ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

28 (410)

2004 йил 14 июль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ УМШ нима?

▶ Ўзбекистонлик "шевалье"лар...

3

▶ Гулшанлик танти тадбиркор

▶ "Худуд ул-Олам" — олам ҳақидаги китоб

4

▶ Химмат қилинг, хасис бўлманг!

▶ Яна қўшиқ ҳақида...

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Кеча шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди. Ушбу мусобақада ҳамюртимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этди ва шахмат бўйича жаҳон чемпион бўлди.

Бизнинг маълумот: Рустам Қосимжонов, 1979 йилнинг 5 декабрида Тошкент шаҳрида туғилган.

Бунгача у шахмат бўйича Осиё чемпиони, Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида шахсий ҳисобда бронза медалига сазовор бўлган. Халқаро гроссмейстер.

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ҳамда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Мехринисо опа фарзанди Рустамни илк бор шахмат машғулотларига йўллаганда фарзандим оиламиз фахри бўлсин, дея камтарлик қилган экан.
У бугун Ўзбекистон фахри.

Аввало бу галги чемпионат ҳақида: Ливия пойтахти Триполида ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатининг соврин жамғармаси 1,5 миллион АҚШ долларидан кўпроқ бўлиб, ғолиблик учун 56 мамлакатдан ташриф буюрган 128 шахматчи (уларнинг 109 таси гроссмейстер) кураш олиб боришди.

Халқаро шахмат федерацияси (аниқроғи, ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов) билан муросага келолмаган аввалги чемпионат ғолиби украиналик Руслан Пономарёв тожини ҳимоя қилиш имкониятидан фойдаланмади. Ливиядаги мусобақаларда, шунингдек, жаҳон таснифида дастлабки ўринларни эгаллаб турган 4 пешқадам: Гарри Каспаров, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд, россиялик Владимир Крамник ва венгр Петер Леколарнинг қатнашмаганининг ҳам боиси бор, албатта. Каспаров Триполидаги мусобақада зафар қучган шахматчи билан куч синашиши режалаштирилган бўлса, Крамник ва Леко 25 сентябрдан 18 октябргача Швейцарияда ўзаро баҳс олиб боришади. Сўнгра ушбу жуфтликларда қўли баланд келган спортчилар ўртасида ФИДЕ жаҳоннинг мутлақ чемпионини аниқлаш учун мусобақа уюштиради. (Демак, ҳамюртимиз бундан кейин мутлақ чемпионлик учун курашади.)

Чемпионат қатнашчилари таркиби аниқланганидан сўнг ғолибликка асосий даъвогарлар сифатида энг юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган болгар гроссмейстери Веселин Топалов ҳамда инглиз Майкл Адамс, россиялик Александр Гришчук ва украиналик Василий Иванчук эътироф этилган эди. Амалда эса, ана шу машҳур шахматчиларни спортчи ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов таслим қилишга эришди.

ФИНАЛГА ЙЎЛ ОСОН КЕЧМАДИ

Рустам дастлабки турларда Коста-Рика ва Эрондан ташриф буюрган рақибларини енгди. Сўнгра кўпчиликни ҳайратга солиб дунёнинг энг кучли шахматчиларидан бири ўтган галдаги жаҳон чемпионати финалчиси, Европа чемпиони украиналик Василий Иванчук устидан зафар қучди. Қизиғи шундаки, беллашувнинг асосий вақтида икки партиядан сўнг дуранг қайд этилди. Белгиланган тай-брек, яъни вақти чегараланган партияларда ўзбек спортчисининг қўли баланд келди. Венгриялик рақибини мағлуб этган Рустам Қосимжонов чорак финал иштирокчисига айланди. Бу сафар россиялик Сергей Гришчук билан куч синашган ҳамюртимиз яна қўшимча вақтда муваффақият қозонганидан сўнг, унинг Иванчук устидан тай-брекда ғалаба қозонгани бежиз эмаслигини кўпчилик тан ола бошлади.

Финал йўлида Рустам аввалги босқичларда бор-йўғи ярим очкодангина маҳрум бўлган, яъни 10 партиядан 9 тасида рақибларини енгиб, фақат бир мартагина, шунда ҳам ўзига ғалаба зарур бўлмаган ўйинда дурангга рози бўлган болгариялик Веселин Топаловга дуч келди. Топалов Триполига ташриф буюрганлар орасида ФИДЕ таснифида энг юқори кўрсаткичга эга эди.

Тўрт партияда ярим финал ғолиби аниқланмагач, кураш қисқартирилган вақт тизимида давом эттирилди. Тай-бреднинг ҳар иккала партиясида ҳужумкор ўйин намойиш қилиб, номдор рақибини таслим қилган ўзбек шахматчисининг маҳоратига олам аҳли яна бир бор лол қолди.

Британиялик Майкл Адамс ва озарбайжонлик Теймур Ражабов ўртасидаги ярим финалда эса тажриба устун келди. Аввалига қора доналар билан рақибини таслим қилган Адамс, иккинчи партияда рақибига тазйиқ ўтказиб, 17-юришда дуранг таклиф қилди ва ўзини қаноатлантирувчи натижага эришди. Учинчи учрашувда озарбайжонлик ёш шахматчи рақибини анча мушкул аҳволга солиб қўйди. Бироқ, вақт танқислиги туфайли Ражабовнинг ўзи дуранг таклиф қилишга мажбур бўлди. Умумий ҳисобда бир очко фарқ билан олдинда бораётган британиялик шахматчи бундай вазиятларда ғалабани қўлдан бой берадиганлардан эмас эди. У сўнгги тўртинчи партияни ишонч билан ўтказиб, финал иштирокчисига айланди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари

1866-1894	-	Вильгельм Стейниц (Австрия)
1894-1921	-	Эммануил Ласкер (Германия)
1921-1927	-	Хосе Рауль Капабланка (Куба)
1927-1935	-	Александр Алёхин (СССР)
1935-1937	-	Макс Эйве (Нидерландия)
1937-1944	-	Александр Алёхин (СССР)
1948-1957	-	Михаил Ботвинник (СССР)
1957-1958	-	Василий Смислов (СССР)
1958-1960	-	Михаил Ботвинник (СССР)
1960-1961	-	Михаил Таль (СССР)
1961-1963	-	Михаил Ботвинник (СССР)
1963-1969	-	Тигран Петросян (СССР)
1969-1972	-	Борис Спасский (СССР)
1972-1975	-	Роберт Фишер (США)
1975-1985	-	Анатолий Карпов (СССР)
1985-1993	-	Гарри Каспаров (СССР)
1993-1999	-	Анатолий Карпов (Россия)
1999-2001	-	Александр Халифман (Россия)
2001-2002	-	Вишванатан Ананд (Ҳиндистон)
2002-2004	-	Руслан Пономарёв (Украина)
2004 - ...		Рустам ҚОСИМЖОНОВ (Ўзбекистон)

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиш мақсадида сўнгги ҳал қилувчи босқичга етиб келганлар намойиш қилган ўйинни шахмат мухлислари узоқ вақтгача эслаб юришса, ажаб эмас.

Биринчи партияда томонлар очкони бўлиб олишга рози бўлишди. Яъни англиялик тажрибали шахматчи оқ доналарнинг устунлигидан фойдалана олмади. Кейин эса... қаторасига тўрт партия мобайнида ўйинни бошлаган томон (шахматда биринчи юриш оқлардан бўлишини барча яхши билади) "оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади" иборасининг нақадар тўғри айтилганини барчага намойиш қилди. Агар асосий босқичнинг сўнгги олтинчи партиясида Қосимжонов шу қоидани яна бир бор тасдиқлай олганида чемпионлик унга бир кун олдин насиб этган бўларди... Аммо бу сафар инглиз устаси моҳирона ҳимояланиб, дурангга эришди.

Жаҳон чемпионини аниқлаш учун тай-брек белгиланди. Тай-брекда эса Рустамнинг усталиги аллақачоноқ маълум эди.

Рустам Қосимжонов тезкор шахмат бобида чемпионат иштирокчиларидан ҳеч бири бугун ўзига тенг келолмаслигини яна бир бор исботлади. У ҳатто бу сафар "оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади" ақидасини бузиб, қора доналарда ғалаба қозонди. Тажрибали Адамс енгилганини тан олди. Иккинчи ўйинда эса Адамс қанча уринмасин дурангдан бошқа чора топа олмади. Акс ҳолда мағлубият ҳам узоқ эмас эди. Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Аммо ёш гроссмейстер учун бу навбатдаги поғона эканлиги шубҳасиз. Насиб этса, биз келгусида кўп маротаба Рустам Қосимжоновнинг ғалабаларини тараннум этамиз.

Шахматчилар ўтказилган партияларининг деярли барини ёддан билишади. Улар ўзларининг муваффақиятли юришларини келгусида қўллашга интилишади, йўл қўйган камчиликларини бартараф этиш чораларини излашади. Бунда уларга таҳлил ёрдам беради. Келинг, биз ҳам уларнинг анъанасига биноан ортда қолган мусобақани тезкор таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Футбол бўйича Европа чемпионатида Греция терма жамоаси намойиш қилган ўйин ва эришган ғалаба бугун ҳаммани ҳайратга солмоқда. Шахмат оламини агар футболга қиёслайдиган бўлсак, Қосимжонов миллионлар ўйинида Греция кўрсатган жасоратни такрорлади. Мусобақадан аввал шахмат оламидан бохабар бирорта мутахассис ҳамюртимизнинг бунчалик ишончли ўйин намойиш қилишини, бунчалик юқори кўтарила олишини тилга олмаган эди. Шахматда битта партияни рақибнинг қўпол хатоси туфайли ютиб олиш мумкин, лекин жаҳон чемпионатидай мураккаб мусобақада энг юксак савиядаги рақибларни бирма-бир таслим қилишни тасодифга йўйиш мутлақо нотўғри.

Аввалги жаҳон чемпиони Руслан Пономарёвнинг устози Сильвио Данилов финал босқичини таҳлил қиларкан, "Қосимжонов оқ доналарни бошқарганда, таъбир жоиз бўлса, ҳужум фақат битта дарвозага уюштирилганига гувоҳ бўлдик" дегани ҳамюртимизнинг маҳоратини тасдиқлаб турибди. Бир қатор машҳур мутахассислар шахмат осмонида Рустамнинг юлдузи янада ёрқинроқ порлаганини тан олишмоқда. Ўзбек шахматчиси эркин ва ишончли, хотиржам ва аниқ ўйнагани ҳам рақибларини қийин аҳволга солиб қўйиши таъкидланмоқда. Мусобақа даврида ФИДЕ таснифида 2856 балл тўплашга эришган, чемпионатда бирорта партияни бой бермаган Топаловнинг енгилишида ҳам Қосимжоновнинг аввалги ўйинлари натижасидан чўчишнинг аломатларини кўриш мумкин, дейишмоқда етакчи гроссмейстерлар.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

ВАЪДАГА ВАФО

Рустам Қосимжонов шахмат бўйича халқаро мусобақаларда ғалабаларга эриша бошлаган бир пайтда Юртбошимиз унинг истеъдодидан хабар топиб, ёш шахматчини қўллаб-қувватлаган эди. Рустам янги чўққиларни забт этишида унга Президент Ислом Каримов ҳадя қилган ва шахмат партияларини таҳлил қилувчи дастурлар билан тўлдирилган компьютернинг ҳиссаси борлиги шубҳасиз.

Ўшанда Рустам янги компьютерда ёзган биринчи мактуб Юртбошимизга аталган эди ва ёш шахматчи ўзбек халқи довруғини дунёга таратишга ваъда берган эди. Бугун Рустам ўз сўзининг устидан чиқди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга

Қадрли Рустамжон ўғлим!

Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамиз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент вилояти

ОҚҚЎРҒОНДА ОҚКЎНГИЛ ИНСОНЛАР МУРУВВАТИ

Оққўрғон тумани марказида жойлашган кўзи ожизлар жамиятида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан катта хайрия тадбири ташкил этилди. Жамият раҳбари Н.Исмоилова ҳамда А.Дадабоевлар ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирга кекса ва ногиронлар, эҳтиёжманд инсонлар таклиф этилди.

— Бугунги тадбирда, асосан қариялар, ногиронлар учун хайрия дастурхони ёздик, — дейди Н.Исмоилова. — Уларнинг кўнгилини кўтариш мақсадида ҳомийлар ва жамият томонидан совға-саломлар ташкил қилинди. Бу ишда туман электр таъминоти корхона раҳбари Р.Алиқулов, Олимкент пахта тозалаш корхонаси, туман марказида жойлашган "Олий хизмат" дорихонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти, уй-жой коммунал фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси бизга яқиндан ёрдам бердилар.

Шунингдек, кечада тумандаги Алишер Навоий номли марказий кутубхона ходимлари ташаббуси билан "Кўчма кутубхона" ташкил қилиниб, тадбир қатнашчилари турли янгиликлардан хабардор этилди.

Абдураззоқ АНОРҚУЛОВ

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Дуоингиз ижобат бўлиб Рустам чемпион бўлди, — дейди.

Қорақалпоғистон Республикаси

"Футболимиз келажаги" турнири босқичларида ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Оролбўйи ҳудуди маҳаллаларида баҳор мавсумининг илк ойларидаёқ "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари бошланган эди. Яқинда Нукус шаҳридаги "Турон" ўйингоҳида ушбу турнирнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Дастлаб 9-10 ёшли болалар ўртасидаги беллашувларда Чимбой шаҳридаги 10-макон Кенгеси (маҳалласи) футбол жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

1992-1993 йилларда туғилган болалардан тузилган футбол жамоалари фаолиятида биринчилик Тўрткўл шаҳри вакилларига насиб этган бўлса, 13-14 ёшли футболчилар орасидаги мусобақаларда Нукус шаҳри 25-макон Кенгеси (маҳалласи) футболчилари пешқадамлик қилди.

Мутасадди ташкилотлар, ҳомийлар томонидан тақдирланган ушбу жамоалар эндиликда Бухоро, Урганч ва Қарши шаҳарларида ўтказиладиган минтақавий мусобақаларда куч синашадилар.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ АЙНИ ВАҚТИ. ЭРТАГА ЭСА КЕЧ БЎЛАДИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА 'MAHALLA'СИЗ ҚОЛМАНГ!

"Mahalla" хабарлари

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Кейинги пайтларда давлатимизнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган муайян ишлари, хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши олдимизга талай долзарб вазифалар қўйди.

Ана шу масалалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Либерал демократик партияси ҳамкорликда "Маҳалла: истиқлол, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, устувор вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекстон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини амалга оширишда маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари вазифалари, "Меҳр ва мурувват йили" Дастуридаги маҳалла хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши, маҳаллаларда оилаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда партияларнинг ўрни ва аҳамияти каби масалалар муҳокама этилди. Республика Оқсоқолар Кенгаши, "Маҳалла" жамғамаси раиси ўринбосари Г.Йўлчиева, Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М.Акрамоваларининг маърузалари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Давра суҳбати якунида мавзу юзасидан йиғилганларнинг савол-жавоблари, мунозаралари бўлди.

МУХБИРИМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси

"АЙҚУЛАШ" КОРЕЯДА БЎЛДИ

Яқинда "Айқулаш" қорақалпоқ миллий рақс ансамбли ва Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқа театрининг миллий рақс жамоаси Шимолий Кореянинг Кенгин шаҳрида ўтказилган фестивалда иштирок этиб қайтди.

Ансамбл жамоаси сафар чоғида шаҳарнинг тарихий жойларида, дам олиш масканларида бўлди. Қорақалпоқ "Айқулаш" жамоаси фестивалга ташриф буюрган Малайзия, Хитой, Монголия, Кения, Япония, Индонезия, Филиппин ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар билан фикр алмашдилар.

Жиззах вилояти

"ЖИЗЗАХ ОҚШОМЛАРИ"

Жиззах вилояти халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлари маркази ташаббуси билан вилоятнинг Мустақиллик майдонида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан "Жиззахим оқшомлари" номли театрлашган томоша дастури намойиш этилди.

Тадбирда Асқарбек Раҳматиллаев, Боймат Ҳасанов, Ирода Мўминова ва оммавий кўринишларда марказнинг бир гуруҳ жамоаси иштирок этиб, ўзларининг гўзал дастурлари билан 500 га яқин томошобиннинг кўнгилини хушнуд этдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

Маҳалла — УМШ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Уни қандай тасаввур қиламиз?

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилаётган бир паллада, биз қураётган шу фуқаролик жамиятининг асоси, демократик ҳуқуқий давлатнинг миллий модели сифатида эътироф этилган, фуқаролик жамияти институтлари ичида ўзининг бир неча минг йиллик тарихига эга бўлган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели – маҳалланинг юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни алоҳида аҳамият касб этаётганлиги эътиборга моликдир.

Ниғматулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси биринчи ўринбосари.

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳамда бу борадаги асосий вазифалар, янги давлат ва нодавлат ташкилотлари барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш каби давлат ва жамият қурилишининг долзарб ҳамда устувор масалалари маҳаллаларнинг демократик давлат қурилишидаги фаолиятининг асосини ташкил этаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳозирги кунда маҳалла – инсон манфаатларини, унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини имкон қадар рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи, қонун, устуворлик қиладиган ижтимоий макон сифатида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфротузилмасини равнақ топтириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишда фаолият кўрсатувчи жамоавий ташкилот сифатида намоён бўлмоқда ва бу фаолият бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан кафолатланган.

Маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилади ган вазифаларини ҳал қилишда, у ёки бу масалада, албатта давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Табиийки, бундай ҳамкорлик мавжуд қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

Асосан, маҳаллаларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун билан белгилаб берилган. Масалан, мазкур Қонуннинг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг республика, вилоят, туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган сайловлардаги иштироки, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари мутасадди раҳбарларининг маҳаллалар фаолиятига тегишли масалалар бўйича ҳисоботини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ваколатлари берилган бўлса, Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгашларининг ўз ваколати доирасида хайрия ташкилотлари, сайловларни ва бошқа оммавий-сиёсий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тегишли масалалар юзасидан диний ташкилотлар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишлари бўйича деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқарув билан ўзаро муносабатлари кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ва уларнинг кенгашларининг бирон бир соҳа бўйича ҳамкорлик қилмайдиган йўналиш бўлмаса керак. Агар тегишли қонунларга мурожаат қилинса, жуда кўп ҳамкорлик йўналишларини санаб ўтиш мумкин.

Шунинг учун, масалага янада аниқроқ ёндашиш мақсадида, бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган битта масалага батафсилроқ тўхталиб ўтсак. У ҳам бўлса маҳалла йиғини кенгашларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарувлари билан ўзаро муносабатлари масаласи.

Маълумки, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун билан юритилади ва бошқа ҳукумат томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Агар биз кўраётган масалага амалий нуқтаи назардан қарасак, айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чегаралари белгилаб берилган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатса, худди шу ҳудудда иккинчи бир ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат ташкилот уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатади. Ушбу икки ташкилотнинг хизмати истеъмолчиси сифатида ҳудудда яшовчи аҳоли бўлади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида фуқаролар йиғини "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳуддуда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади", 12-моддасида "фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудуддаги ерларни фойдаланиш ва муҳофаза этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади", 13-моддасида эса "фуқаролар йиғини раиси фуқароларнинг шикоятларини, "аризаларини ва таклифларини кўриб чиқади" деб аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. Демак маҳалла ҳудудида яшовчи фуқаро исталган масаласи юзасидан шу ҳудуддаги фуқаролар йиғинига мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳолатлар уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳам тегишли, албатта. Иккинчи томондан, яна шу Қонуннинг 10-моддасида фуқаролар йиғини уй-жой мулкдорларининг ширкатларига улар фаолияти билан боғлиқ тадбирларини ташкил қилишга қўмаклашувчи орган сифатида кўрсатиб ўтилади.

"Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида, айнан ана шундай тадбирларни биргаликда ўтказадилар (ёрдамлашадилар) деб ёзиб қўйилган.

Ана шулар ёки шулар каби бошқа умумийликка дахлдор ҳолатлар, мавжуд амалиёт бир ҳудуддаги фуқаролар йиғини ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқаруви ўртасидаги муносабатларни алоҳида ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Масалага бироз бўлсада ойдинлик киритиш учун Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси АҚШ халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш" лойиҳаси бўйича иш олиб борувчи Урбан институти (Тошкент) билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан уй-жой мулкдорлари ўртасидаги ҳамкорлик" мавзусида 2004 йилнинг апрель ойида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатига тайёргарлик кўриш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уй-жой мулкдорлари ширкати (УМШ) бошқарувининг раислари учун ўн икки банддан иборат махсус сўровнома ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Наманган шаҳарларидаги маҳалла фуқаролари раисларидан 117 киши, УМШ бошқаруви раисларидан 52 киши, шунингдек, УМШ ижрочи директорларидан 6 киши ва бошқа тегишли ташкилот вакилларидан 5 киши, жами 225 киши ўртасида сўров ўтказилди.

Энг асосий масала, маҳалла йиғинларининг УМШ билан ўзаро муносабатлари қандай тамойилларга асосланиши керак, деган саволга маҳалла раислари 78,5 фойизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошчилик қилишлари керак деб жавоб берган бўлсалар, УМШ раисларининг ярмига яқини уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутлақо мустақил фаолият кўрсатишлари лозим деб жавоб берганлар. Икки томон умумманфаатига оид масалалар бўйича ихтиёрий ҳамкорлик қилиш деган саволга эса ҳар олти маҳалла раисидан биттаси ижобий баҳо берган бўлса, УМШ раисларининг ҳар иккитадан биттаси ижобий баҳо берган.

Энди амалдаги ҳақиқий муносабатларни оладиган бўлсак, сўров натижалари қуйидагиларни кўрсатди. Тўла келишув асосида фаолият олиб борилишида маҳалла йиғини раиси ва УМШ раисининг фикрлари бир-бирига яқин келади. Худди шунингдек, фақат айрим масалалар бўйича ўзаро фаолият юритади деб маҳалла раисидан 36 фоизи фикр билдирса, бу ҳолатни УМШ раислари қўллаб-қувватлайди.

Маҳалла билан УМШ ўзаро муносабатларининг яна бир нозик жиҳати шундаки, улар деярли бир ҳудудни бошқарадилар, фуқароларнинг тегишли қонунлар кафолати доирасида у ёки бу масалалар бўйича ўзини ўзи бошқарувчи органларни сайлайдилар. Ана шу жараёнда фуқароларнинг ўзлари (яъни уй-жой мулкдорлари) амалдаги маҳалла раисини УМШ бошқаруви раиси лавозимига сайлашлари мумкин. Бундай ҳолат ҳозирги кун амалиётида мавжуд. Лекин, шундай қилиш аҳоли умумманфаати учун яхшими ёки... Бунга 60,0 фоиз маҳалла ва 76,3 фоиз ширкат раислари мумкин эмас, деб жавоб берган бўлсалар, бу керак деб 21.5 фоиз маҳалла раиси, 6,6 фоиз ширкат раиси фикр билдирдилар. Фаолиятни қўшиб олиб бориш мумкин деб ҳар олти кишидан биттаси икки томондан ҳам бир хил жавоб беришди.

"Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида, айнан ана шундай тадбирларини биргаликда ўтказадилар (ёрдамлашадилар) деб ёзиб қуйилган.

Ҳудудий бирлик, табиийки, УМШ фаолиятидан норози бўлган фуқарони маҳалла раисига мурожаат қилишга ундайди. Шундай ҳолатларда маҳалла раислари қандай чора кўришлари лозим деган саволга юқори давлат ҳокимияти органларига мурожат қилиш (33,8 фоиз), УМШ раисини ишдан олиб, бошқасини тайинлаш (13,8 фоиз), маслаҳат бериш (18,5 фоиз) керак деб, ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Энг асосий масала, бу ваколатлар масаласи. Бизга маълумки, тегишли қонунлар қабул қилингунга қадар, масалан, фуқаронинг турар жойи ёки оилавий ҳолати тўғрисидаги маълумотномани шаҳарларда маҳаллалар, ЖЭКлар, аренда корхоналари бериб келганлар. Қонун қабул қилингач, бу ваколат мутлақо маҳаллага берилди. Лекин, шунга қарамасдан баъзи УМШлар ҳам бу бизнинг ваколатга киради, деб келадилар. Баъзи бошқа масалаларда ҳам шундай ҳолатлар кузатилмоқда.

Масалага аниқлик киритиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларига айрим ваколатлари бўйича ҳам савол билан мурожаат қилинди.

Хусусан, ҳудудий ободонлаштириш масаласида маҳалла йиғини раисларининг ва УМШ раисларининг фикрлари деярли бир хил: биргаликдаги фаолият қулай деб фикр билдирдилар.

Маҳаллалар ҳудудидаги кўп хонадонли уйларни сақлаш ва яроқли ҳолда тутиб туришни ҳамкорликдаги фаолият деб 34,6 фоиз УМШ, 28,9 фоиз маҳалла раислари жавоб бердилар. Лекин 69,7 фоиз УМШ ва 58,5 фоиз маҳалла раислари бу фақат УМШ бошқаруви фаолият доирасига киради деган фикрни билдирдилар.

Кўп хонадонли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларни ҳисобга олиб бориш кимнинг ваколатига киради, деган савол бўйича ҳам фикрлар хилма-хиллиги кузатилади. Масалан, бу маҳалланинг ваколати деб 23,1 фоиз маҳалла, 6 фойиз УМШ раислари фикр билдирган бўлсалар, бу УМШ ваколати деб 15,4 фоиз маҳалла, 59,2 фоиз УМШ раислари жавоб бердилар. 60,0 фоиз маҳалла, 32,9 фоиз УМШ раислари бу биргаликдаги фаолият деб ҳисоблайдилар. Яна юқоридаги савол туғилади, қолган маҳалла ва УМШ раислари нима деб ўйлайдилар?

Яна бир муҳим масалалар қаторига кўп қаватли уйларда ташкилот ёки корхонани жойлаштириш ёки яшашга мўлжалланган хоналарни яшашга мўлжалланган хоналарга айлантиришни мувофиқлаштириш киради. Хусусан, ташкилот ёки корхоналарни жойлаштириш бўйича маҳаллада уч кишидан биттаси бу маҳалла кенгашининг ваколати деб билса, иккитадан бир ширкат раиси бу УМШ ваколати деб билади. Яшашга мўлжалланган хонани яшашга мўлжалланмаган хонага айлантириш масаласида эса 25,4 фоиз маҳалла раиси бу маҳалла кенгаши ваколати деб ҳисобласа, 60,5 фоиз ширкат раиси бу УМШ ваколати деб қарайди.

Кўп хонадонли уйда мавжуд эгасиз қолган хонадонларни аниқлаш бўйича 19,2 фоиз маҳалла раиси бу маҳалла кенгаш ваколати деб билса, 68,4 фоиз ширкат раиси бу УМШ ваколати деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, бу ҳамкорликдаги фаолият деб 66,9 фоиз маҳалла, 28,9 фоиз ширкат раиси ҳисоблайдилар.

Биз юқорида битта маъмурий ҳудудда жойлашган қонуний ваколатлари бўйича бир-бирига яқин фаолият кўрсатувчи иккита ўзини ўзи бошқарувчи органларининг кундалик амалий фаолиятида олиб бориладиган умумий жиҳатлари мавжуд ишларининг айримлари, лекин тез-тез учрайдиган масалалар бўйича ўтказилган сўров натижаларини кўрдик ва биронта масала юзасидан фикр 100 фойиз бўлмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шундай бўлсада, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ваколатлари қонуний чегараларини янада аниқроқ белгилаш зарурати борми, деган саволга 86,0 фоиз маҳалла кенгаши раислари, 76,3 фоиз УМШ бошқаруви раислари "ҳа" деб жавоб бердилар.

Сўров натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, респондентларга қўйилган ўн икки саволнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида хулоса чиқариш мумкин, албатта. Лекин, бир нарса аниқ ва равшан бўлдики, ҳали ҳануз на маҳалла йиғинлари фаоллари ва на УМШ бошқарув фаоллари мавжуд тегишли қонунлар тамойилларини тўла ўзлаштириб олмаганлар. Қонун талабларини билмаслик тушунмовчилик ва чалкашликка олиб келаверади.

Демак, биз юқорида айтиб ўтган давра суҳбатига ўтказилган сўров натижалари асос қилиб олинди. Давра суҳбатида ҳудудида УМШ ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган 20 нафар маҳалла раислари, 20 нафар УМШ раислари, 5 нафар эксперт-юристлар иштирок этдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари ўтказилган сўров натижалари билан таништирилганларидан сўнг маҳалла ва УМШлар муносабатларида тез-тез учраб турадиган беш йўналиш, у ҳам бўлса, ҳудудидаги ердан фойдаланиш, кўп қаватли уйларни сақлашни таъминлаш, кўп хонадонли уйлардаги хоналардан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда кўп хонадонли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар мурожаатлари бўйича муносабатлар бўйича кичик гуруҳлар билан иш олиб борилди.

Кичик гуруҳлар иш натижалари биз юқорида келтирган сўров натижалари билан деярли бир бўлиб чиқди, яъни мавжуд қонун талаблари ҳар иккала томондан ҳам талаб даражасида ўзлаштирилмаган.

Давра суҳбати натижалари асосида хулоса қилинадиган бўлса, мавжуд қонунлар, ҳукумат қарорлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик фаолиятлари тўғрисида услубий тавиянома ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш учун бир қатор семинар-тренинглар ўтказиш шу куннинг долзарб масаласига айланиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маҳалла ҳудудида ҳар ким фақатгина ўз аравасини ўзи тортиш билан банд бўлмасдан, бири бирига устоз, бири бирига шогирд тамойили асосида ишни ташкил қилинса белгиланган натижага тезкорлик билан эришиш муқаррардир.

Маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида, ўз салмоғи, салоҳиятига кўра ўз ҳудудида жойлашган барча корхона, ташкилот ва массасалар билан шу жумладан уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан, қонуний ваколатларини тўғри аниқлай билиши, зарур ҳолларда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориши умумманфаатлар йўлида фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу эса мавжуд қонунларни чуқур ўрганишни ва уларга итоат этишни тақозо этади.

ОҚСОҚОЛЛАР ХАЛҚ ИШИГА КАМАРБАСТА

Эркин КЎЧКИНОВ, Сурхондарё вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Мустақиллик шарофати туфайли давлат ва жамият бошқарувининг жаҳон андозалари даражасидаги замонавий, янги миллий тизими шаклланди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида ўзини-ўзи бошқариш идораси — маҳалланинг роли ва ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бугунги кунда маҳаллий бошқарув тизимининг таянчига айланди. У фуқаролик жамияти ҳаётининг энг самарали, айни пайтда халқчил кўринишидир.

Ҳозир вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 120 та қишлоқ ва шаҳарча, 678 та маҳалла йиғинлари ижтимоий ҳаётда бевосита иштирок этмоқда. Вилоятда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда уларнинг муносиб ўрни бор. Қўлга киритилаётган ютуқларга қўшган ҳиссалари эса беқиёс.

Ўтган йили бўлиб ўтган маҳалла оқсоқоллигига сайловларда оқсоқолликка 2447 нафар номзод кўрсатилди, улардан 763 нафари сайланди. Бугун фаолият юритаётган оқсоқолларнинг 560 нафари олий маълумотли, катта ҳаёт тажрибасига эга. Оқсоқолларимиздан 173 нафари 40 ёшгача, 308 нафари 50 ёшгача, 203 нафари 60 ёшгача, 69 нафари 70 ёшгача бўлган кишилар, уларнинг 44 нафари хотин-қизлардир. Улар ўз вазифаларига изчил киришган, халқ ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Маҳаллаларда ободончилик ишларини амалга оширишнинг ташкилотчиси, ташаббускори бўлмоқдалар.

Маҳалла — кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни йўлга қўядиган маскан. Унда миллий қадриятлар, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни улуғланади. Инсоний фазилатлар камол топади.

Барча соғлом ижтимоий фикрлар, ғоялар маҳаллада вужудга келади, шаклланади. У миллий турмуш тарзимизнинг кўзгуси. Адолат тамойиллари намойиш этиладиган манзил. Вилоятимизда бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганлиги барчага аён.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмалари ташкилотчилигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларининг хатна тўйини қилиш, никоҳ кечаларини ўтказиш одат тусини олган. Ана шундай беминнат хайрли тадбирлар Узун, Сариосиё, Шўрчи, Бойсун туманлари ва Термиз шаҳрида намунали даражада ташкил этилмоқда. Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, Наврўз байрами муносабати билан 180 нафар эҳтиёжманд оилалар ўғил болаларига суннат, 20 нафар йигит-қизларга никоҳ тўйлари ўтказилди.

Маҳаллаларда тинч-осойишталикни сақлаш — бугунги куннинг долзарб масаласи. Вилоятимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террористик ҳаракатлар сурхондарёлик юртдошларимизни ҳам беҳад ғазаблантирди. Ўз Ватанига, қондош халқига хиёнат қилган жирканч кишиларнинг қонли ҳаракатини ёшу қари — барча қоралади. Айни кунда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Саҳийлик, бағрикенглик — ўзбек халқига хос фазилат. Вилоятимизда бундай халқпарвар кишилар кўп. Улар эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатмоқдалар. Уларни ижтимоий муҳофаза қилмоқдалар. Ҳомийлардан тушган маблағ ҳисобидан 70 нафар ногиронга аравачалар совға қилинди. 37 нафар якка-ёлғизларнинг турар жойлари таъмирлаб берилди. 2170 нафар кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олинди, уларга 12 миллион 495 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ёш авлодни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, уларни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялашда ҳам маҳаллаларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. "Соғлом оила" спорт мусобақаларининг биринчи босқичи якунланди. Бу тадбирга 630 маҳалладаги 2520 ота-она ва уларнинг фарзандлари иштирок этишди.



Шуниси қувонарлики, маҳаллаларда оилавий спорт билан шуғулланувчи ота-оналар сони борган сари кўпаймоқда. Буни ҳисобга олган вилоят ҳокимлиги, ҳомийлар уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бермоқдалар. Маҳаллаларда замонавий спорт иншоотлари қурилмоқда. Шеробод туманида пахтани қайта ишлаш заводи ҳомийлигида қурилган спорт мажмуаси энг гавжум масканга айланди. Денов туманидаги Пахтачилик маҳалласида 1000 ўринли, Ангор туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида 800 ўринли, Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат хўжалигида 800 ўринли қишлоқ спорт мажмуаларининг қурилиши ёш ўғил-қизлар учун қилинган хайрли иш, кўрсатилган катта ғамхўрлик тимсоли бўлди. Бу иншоотлар қурилишининг ҳар бири учун меҳр-мурувватли ҳомийлар 50 минг сўмдан маблағ сарфлади. "Маҳалла" жамғармаси Олтинсой тумани бўлинмаси ўқувчи-ёшларга 1 миллион 300 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берди.

Маҳалла фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Шундай экан, унинг ободлигига эришиш, одамларнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, қадимий урф-одат ва маросимларни намунали ташкил этиш оқсоқолларимизнинг ҳамиша диққат-марказида туради. Улар шу йилда ўзларининг куч ва ғайратларини, билим ва маҳоратларини асло аяшмайди.

Хоразм вилояти

Яқинда «Маҳалла» жамғармаси Урганч туман бўлинмаси ташаббуси ва ҳомийлиги билан тумандаги қишлоқ маҳаллаларида истиқомат қилаётган кекса отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари юртимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бўлмиш Самарқанд ва Бухорода бўлиб, бу ердаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтдилар.

АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Зиёратчилар сафар давомида Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Ҳасан-Ҳусан, Нурота ва бошқа авлиёлар хоки қўйилган муқаддас жойларни, аждодлардан мерос бўлиб келаётган нақшинкор обидаларни, шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, буюк саркарда Амир Темур, имом Ат-Мотрудий каби алломалар мақбараларини зиёрат қилдилар.

Шундан сўнг, улар республикамиз пойтахтида бўлиб, шаҳардаги диққатга сазовор жойларни, хусусан, мустақиллик йилларида қад ростлаган кўркам ва гўзал иншоотларни томоша қилдилар.

Хуллас, эндиликда олдимизда турган барча тадбирларимизни фақат эзгулик мақсадларига йўналтириш билан бирга, халқимизнинг ишончларини ҳамиша оқлаш бурчимиздир. Меҳр-мурувват дастурларини бажаришда жамғармамиз жамоаси ҳам ўз олдидаги масъулиятли вазифаларни ҳалол, виждонан бажараверади.

Шоназар МУРОДОВ, Урганч тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раисининг ўринбосари.

4 июль – Франциянинг миллий байрами – Бастилия олинган кун

ШЕВАЛЬЕ

Ўзбекистонликлар Франция ҳақида кўпроқ маълумотларни билиб олишга интилишлари табиий. Халқларимиз ўртасидаги ришталар узоқ тарихий илдизларга эга. Аммо бугунги кунда ҳам дўстлик ва қардошлик алоқалари ривожланмоқда.

Шу йил баҳорда ўзбекистонлик ўқувчилар учун француз тилидан янги авлод дарсликларини яратишда жонбозлик кўрсаттан бир гурух устозларимизга Франция элчихонасида "Академик Пальма бутоғи" ордени топширилди.

1808 йили Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган ушбу нуфузли мукофот билан маданият, санъат, илм-фан ва таълим соҳасида юксак натижаларга эришган зиёлилар тақдирланиб келади. Бу орден билан биринчи бор тақдирланганларга "шевалье" деб мурожат қилиш лозим.

Мустақиллик йилларида икки халқ ўртасида ришталарни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари учун 8 ватандошимиз шундай мукофотга лойиқ топилган эди. Улар орасида машҳур олималар Фозила Сулаймонова, Галина Пугаченкова кабилар бор.

2004 йили ўзбекистонлик "шевалье"лар сафи яна тўрт кишига кенгайди. Франциянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети декани Маннопжон Нишонов, Виктор Гюго номидаги француз маданияти маркази ўқитувчилари Назира Юсупова ва Худойқул Иброҳимов, бўлғуси офицерларга француз тилини ўргатаётган Матлуба Усмоновага юксак мукофотларни тантанали суратда топширди.

Француз тили, француз адабиёти, француз маданиятини ўрганиш бизнинг дунёқарашимизни кенгайтириб, янги-янги имкониятлар яратиши шубҳасиз. Французлар ҳам бизнинг аждодларимиз каби тарихий тараққиёт давомида турли мураккаб босқичлардан матонат билан ўта олган халқ экани барчага аён. Демак, халқларимиз ва ёшларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши ҳар икки томон учн фойдали бўлиши шубҳасиз.

Зулфия САГАТОВА

Бухоро вилояти

Эл корига яраган элдошлар

Бу воқеага кўп йиллар бўлган. У пайтда бугун тўқсонни қоралаётган Раҳмат бобо 19-20 ёшли навқирон йигит эди. Уйланиш ниятида янги ҳовли қуриш тадоригини кўраётган Раҳматжоннинг лойсувоқ ҳашарига қишлоқ оқсоқоли Соли бобо ҳам келди. У ҳовлига синчиклаб разм солди. Ҳар бир сўтаси билакдек келадиган бўйдор маккажўхоризорга термулиб туриб "ерни хоҳлабди", деди. Нарироқдаги лолақизғалдоқдек қизариб ётган помидор пуштасига ўтиб, гилосранг битта помидорни ўз қўли билан узиб оппоқ яктагининг бари билан чанг-чунгини артди. Майда обчалар экилган бошқа бўлакларни ҳам қошларини чимириб-чимириб кузатди.

"БОБОЙИ ГУЛ..."

Ниҳоят, Соли бобо томарқа томошасидан сўнг супага кўтарилди. Раҳматжон офтоба, сочиқ қилиб оқсоқолнинг йўлига пешвоз чиқди. Соли бобо тирсагигача сув югуртириб қўл ювди. Ўзи танлаб узган накд пиёладек келадиган қирмизи помидорни икки-уч бор сувга чайиб олди.

— Умрингдан барака топ. Бир йилдаёқ томорқани гул қилиб яшнатибсан-ку! Шуни айтадиларда "кўз кўрқоқ, қўл отир" деб. Илоҳо, меҳнатларингнинг ҳузурини кўргин. Ойдек келин тушсин, алпдек ўғил-қизлар насиб этсин.

Тағин кўнглингга малол олма-ю, — давом этди оқсоқол, — кўрпачадек жойга гул экмабсан-да?! Гулда хосият кўп. Ҳовлисида гулзори бор хонадонларнинг файзи ўзгача бўлади. Айниқса, янги ҳовлиларда экилган гул суқ-ҳасаднинг йўлини кесади, дейдилар. Ҳалиям вақт бор, бир парча ерга гул эк, болам. Ҳув, анаву эртанги бодринг экилган бўлак бугун-эрта ҳосилдан бўшайди. Шартта палакдан тозалаб, бир кетмон бўйи ағдаргинда, хилма-хил гул уруғи сепиб юбор. Аммо кесакларини майда эзишни унутма. Уруғ керак бўлса момонгдан ўтиб сўра. Соли бобом айтдилар, дегин. Етти-саккиз туридан бир ҳовучдан сепсанг, йил бўйи ҳовлингдан хушбўйлик аримайди. Эрта-индин келин келса парваришини ўзи қилади. Гул — аёлнинг дугонаси.

Соли бобо яктагининг ёқасини тузатиб кўчага равона бўлганда Раҳматжоннинг миясида оқсоқолнинг ибратли сўзлари чарх урарди. Сарғайиб турган бодринг палаклари ўрнида анвойи гулларга тўла гулзорни хаёлан тасаввур қилар, кўз олдида бўлажак қайлиғи қулоқчаккасида атиргул тақиб унга пешвоз чиқиб келаётгандек бўлди...

Аёлнинг қўли текканлиги боис гулзор кунда бир яшнади. Келган-кетганга гул ҳадя этиш одат тусига кирди. Раҳматжон қаерда хушбўй, хушманзара гул кўрса ё уруғидан, ё қаламчасидан топиб келтириб томорқасига экаверди. Ҳовлиси гул ҳовли бўлди. Бўйчан гуллар баланд ҳавозаларга чирмашиб алмоч учди. Ишқандарпечаклар чирмашиб чиқиб томларга мўралади. Келинчак гул баргидан мурабболар қилди. Раҳматжон мураббодан пиёла-пиёла симирадиган бўлди. Марака мавридга чақирганларга аёли сингак патирлар ёпди. Ўшанда ҳам дастурхонга бир даста гул қўшиб ўралади.

...Бухоро шаҳри яқинидаги Навметан қишлоғида Раҳмат бобони танимайдиган одам йўқ. Яхши гурунгга ташна одам. Дилидагидек киши билан ўтирса чақ-чақни қотиради. Ота тўй-кураш хабарини эшитса, туман ошиб ҳам бораверади. Кураш томошасини лаззатига етадиган лаззат йўқ, дейди мириқиб. Вақтида олишганлар-да, гашти нашъа қилади. Қишлоқда ҳеч ким отахонни исмини айтиб чақирмайди. Раҳмат бобонинг номи аллақачон "Бобойи гул" яъни — "Гул бобо" деб аталадиган бўлган. Қачон қараманг, 89 ёшли қария тўрт томони гулзор билан ўралган картда оппоқ фариштанинг ўзи бўлиб ўтиради. Яна чолнинг қўлида гул кўрасиз. Дастурхоннинг ҳар жойи-ҳар жойида гул ташлаб қўядилар. Сизга узатилган чой ё раъногулнинг ёки ялпиз баргидан қўшиб дамланган бўлади. Танингиз яйрайди, роҳат сезасиз. Нияти фақат юртда тинчлик бўлсин! "Тинчликдан улуғ неъмат йўқ, болаларим", — дейди отахон. Маърака-мавридларда отанинг ўрни тўрда. Қишлоқда у кишидан катта ёшли киши қолмаган. Дастурхондаги саватдек келадиган буғдой нон ҳам Гул бобо келгачгина синдирилади...

Дилмурод ЖАББОР

Қашқадарё вилояти

"ОТАМДАН ЎТГАН ОДАТ БУ..."

Ўз ҳисобидан юз миллонлаб маблағ сарфлаб спорт мажмуаси қурган Ўткиржон Эркаев бундай хайрли ишларни шундай деб изоҳлаб кўя қолди.

Гулшан аслида илгари ҳам кўзни қувонтирадиган маскан бўлган. Оқиб турган сой, соя-салқин гўшалар маҳалла аҳолисига ором бағишлаган. Нима бўлдию, кейинги пайтларда Гулшаннинг юзига доғ тушди. Атрофда янги уй-жойлар қад ростлаб, илгари ҳавас қилса арзийдиган жой кўп ўтмай ахлатхонага, атрофи кўмилгач бинойидек сой қамишзорга айланди-қолди.

2,5 гектарлик майдондаги бу аянчли аҳвол ҳаммадан ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукрулло Сафаровни кўпроқ ўйлантирар эди. У бу ердаги аҳволни қандай қилиб яхшилаш ҳақида кўпларга маслаҳат солди. Аммо ақл берадиган кўп бўлдию, "Келинг шу ишни биз бўйнимизга олайлик" дейдиган мард чиқмади.

Кунлардан бирида бўлган даврада Ўткиржон Эркаев "Болаларнинг спорт билан шуғулланадиган жойи йўқ. Бу ерда стадион қурсак нима дейсизлар?" деган фикрни айтди.

— Бу айтишга осон, кимнинг юраги бетлайди бунга, озмунча маблағ керакми? — деди даврадагилардан бири.

— Агар сизлар ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб турсаларинг, мен бу ишни ўз бўйнимга оламан.

Ху, нима деяпсиз, ўйлаб гапираяпсизми, "Ҳолва деган билан оғиз чучимайди" дегувчилар ҳам бўлди.

"Яхши гапнинг қаноти бор" деганларидек, фойдали ғоя тезда вилоят, Қарши шаҳри ҳокимияти мутасаддиларига етиб борди. Улар Гулшан маҳалласи оқсоқоли, тадбиркор Ў.Эркаевни қўллаб-қувватлашди, бу ишга тажрибали мутахассисларни жалб этиб амалий ёрдам, қимматли маслаҳатлар беришга ваъда қилишди.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганларидек хаш-паш дегунча ишлар бошланиб кетди. Дастлаб атроф чиқиндилардан тозаланди, сой қолдиқлари кўмилди, майдон текисланди. Ўйингоҳ бинолари қандай жойлаштирилиши чамаланди. Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганларидек, режалар ҳам анча ўзгарди. Ўйингоҳлар илгари айтилганидек, бир маҳалла болаларига эмас, қўшнилар, қолаверса шаҳар ёшлари келиб машғулот ўтказишга ҳам мўлжалланиши, хуллас замон талабларига мос бўлиши керак, деган фикрга келинди. Қурувчиликда етарли тажриба орттирган Шерзод Тоғаев, Йўлдош Поёнов, Ўктам Қудратов, Комил Эркаевлар атрофни деворлар билан ўраб олиш билан бирга, "Бинокор клуби" қурилишини ҳам бошлаб юборишди. Ўткиржон Эркаев эса ҳар куни қилинган ишларни якунлаб, қурувчиларга янги топшириқлар бериб, энг муҳими, улар билан кунлик ҳисоб-китоб ишларини олиб борди.

Ниҳоят кутилган дам — спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиш куни ҳам етиб келди. Бу биргина Гулшан маҳалласи эмас, бутун Қарши шаҳри вакиллари, вилоят ёшларининг чинакам тантанасига айланди. Вилоят ҳокими Н.Зайниев, Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар бу ердаги ёш спортчилар учун яратилган имкониятлардан ниҳоятда мамнун бўлиб, шундай спорт масканни бунёд этган тадбиркорга дилдан офаринлар айтишди.

Чим ётқизилган иккита майдон футбол ва мини футбол ўйнашга мўлжалланган. Хоҳлаганлар қум тўкилган учинчи майдонда оёқланг ҳолда инглизча усулда тўп суришлари мумкин. Югуриш йўлаклари, турник ва бруссда машқ қилиш, юнон-рум, миллий кураш, оғир атлетика, каратэ, таэквандо, бокс каби спортнинг энг оммавий турлари билан шуғулланиш учун ҳамма шароитлар муҳайё.

Спортга чанқоқ ўғил-қизлар қувончини кўриб маҳаллада етишиб чиққан эркин кураш бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони Саттор Саидов, таэквандо бўйича 3-Дан қора белбоғ соҳиби Баҳодир Саидов, каратэнинг 4-Дан қора белбоғ эгаси Алишер Содиқовлар сафи янада кенгайишига ишонч ҳосил қиласиз.

Бугун бу ерда бўлган киши 2-3 йил илгари аҳлат тепаликлардан иборат ташландиқ жойда тез орада шунчалар гўзал гўша яратилганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлаши аниқ. Саранжом-саришталик, ҳозирча кичик бўлса ҳам мириқиб ҳордиқ чиқарадиган қуюқ дарахтзор беихтиёр дилингизда мамнунлик уйғотади. Уч-тўрт йил ичида бу ердаги 300 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар улғайгач, Гулшаннинг нақадар йирик боққа, соя-салқин оромгоҳга айланишини кўз олдингизга келтиринг-а.

— Қанча маблағ сарфланди мажмуага? — сўраймиз Ўткиржондан.

— Аниқ билмайман, ҳисоб-китобга ҳам унчалик йўқман. Ҳали қиладиган юмушларимиз кўп, — дейди Ўткиржон атрофга ўйчан боқиб. — Бироз нафасни ростлаб олгач, мажмуанинг иккинчи навбат қурилишини бошлаб юборамиз. Қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзалари, сауна, мўжазгина меҳмонхона қуришимиз керак. Булар учун ҳамма зарур ҳужжатлар тайёр. Шундагина чинакам мажмуага эга бўламиз.

Ҳа, орзулар қанот қоқиб, узоқ манзиллар, юксак чўққилар сари етаклайди инсонни. Демак, хайрли ишлар давом этади. Биз эл ишига бош қўшган, файзиёб маскан яратаётган тадбиркор Ўткиржон Эркаевнинг катта мақсадлари амалга ошишда Аллоҳдан мадад тилаймиз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: савобталаб тадбиркор Ўткиржон ЭРКАЕВ отаси билан; янги стадионнинг кўриниши.

Юртимиз спорти довруғи

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҲАМ БЎШ КЕЛИШМАДИ

1-9 июль кунлари Ҳиндистоннинг Каликат шаҳрида шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон олимпиадаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда таркибида тўрт нафар иқтидорли ёш шахматчи бўлган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Жамоамиз олимпиаданинг бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгалладилар.

Жамоамиз таркибида: Ўрта Осиёдаги энг ёш гроссиейстер, 2001 йилда 14 ёшгача ўсмирлар орасида Осиё чемпиони бўлган 16 ёшли Тимур Гареев, шахмат бўйича спорт устаси, тенгдошлари ўртасида бир неча бор мамлакатимиз чемпиони, шу йили Эронда ўтказилган Осиё чемпионатининг III-ўрин соҳиби 16 ёшли Жўрабек Ҳамроқулов, шахмат бўйича спорт устаси, бир неча карра пойтахт биринчилиги ғолиби 15 ёшли Андрей Квон ва тенгдошлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган самарқандлик 12 ёшли Жамшид Мустафоевлар бор эди. Жамоа мураббийси Тоҳир Воҳидов олимпиада мусобақалари ҳақида шундай ҳикоя қилди:

Олимпиадада 12 мамлакатдан 20 та жамоа қатнашди. Хитой, Венгрия, Эрон жамоалари энг кучлилардан эди.

Мезбонлар шарафини жуда кучли бир нечта жамоалар ҳимоя қилдилар.

Олимпиадада хитойликлар 27 очко жамғариб биринчи ўринни, венгриялик ёш шахматчилар 24 очко билан иккинчи ўринни, бизнинг жамоамиз эса 22 очко билан учинчи ўринни эгаллади. Айниқса, жамоамиз кетма кет учта мезбон жамоалар билан дона суришгани ва уларни мағлуб этгани ҳал қилувчи вазиятлардан бири бўлди. Мусобақалар ўтган тўққиз кун давомида ўйинларни чуқур таҳлил қилиш, рақибларимизнинг ожиз ва кучли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда навбатдаги ўйинга ҳозирлик кўрганимиз олимпиададаги муваффақиятимиз гарови бўлди, деб ўйлайман.

— Фарзандингиз ҳалқаро миқёсдаги мусобақада иштирок этса катта ҳаяжонга тушар эксанси, — дейди Тимур Гареевнинг онаси Асия Гареева. — Буни қарангки, ўсмирлар олимпиадаси жаҳон чемпионати баҳслари билан деярли бир вақтда ўтди. Ўғлимнинг ютуғидан бир ҳисса қувонсам, юртимиз довруғини дунёга таратаётган Рустам Қосимжоновнинг ғалабаларидан икки ҳисса қувоняпман. Ёш шахматчиларимиз ҳам Р.Қосимжоновдек шахматнинг юқори пиллапояларга чиқишларига ишонаман.

СУРАТДА: Тимур Гареев (чапда) хитойлик ёш шахматчига қарши дона сурмоқда.

СУРАТДА: совриндор жамоамиз аъзолари ва мураббий Т.Воҳидов.

— Юртимиз ўсмирлар жамоасининг Ҳиндистондан олимпиада совриндорлари бўлиб қайтиши, Р.Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатидаги ютуқлари дилларимизни чексиз фахрга тўлдирди, — дейди Ўзбекистон Шахмат Федерацияси Президенти Аъзамжон Гадойбоев. — Спортга оид хабарларни кузатяпмиз, дунёнинг ҳали у бурчидан ҳали бу бурчидан спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам спортчиларимиз эришган ғалабалар ҳақидаги хабарларнинг кети узилмаяпти. Бу — ҳукуматимиз, шахсан Президентимизнинг юртимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, бунга жавобан жойларда ушбу йўналишда амалга оширилаётган тегишли тадбирларнинг самарасидир.

Спортнинг шахмат турини ривожлантириш борасида ҳам муайян тадбирлар белгиланган, улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллалармизда шахматга қизиқувчи ўсмирлар жуда кўп. Улар учун етарли шароитлар яратиш, мураббийлар билан таъминлаш, ҳудудий мусобақалар ташкил этиш шахматни оммалаштириш ишида катта аҳамиятга эга. Бу тадбирларни етарли даражада бажаришга эришсак, ёшларимиз орасида бир эмас, бир нечта жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига умид қилсак бўлади.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Аждодларимиз меросидан

"ҲУДУД УЛ-ОЛАМ"

ТАРИХДАН НОЁБ НУСХА

Бу муаллифи номаълум, аммо аҳамияти оламшумул ноёб тарихий манбадир

Тарихий манбалардан маълумки, ўтмишда Ўрта Осиёда асарлар қўлёзма ҳолида нусха кўчириш йўли билан кўпайтирилган. Бу нозик, машаққатли ҳамда хайрли иш билимли, тажрибали, истеъдодли қўли гул хаттотлар томонидан асрлар давомида бажариб келинган.

Аждодларимиз томонидан турли давр лар-да ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқи-мизнинг ўтмиш маданияти, тарихи, адабиёти, тили ва турмуш тарзини ўрганиш учун бой ва қимматли маълумотлар берувчи ишончли манба, ҳужжатдир.

Туркистон халқларининг бой маданияти, илм-фанидан ҳикоя қилувчи қанчадан-қанча бебаҳо қўлёзма асарлар, ноёб манбалар ва нодир китоблар бедарак йўқолди, ўзаро босқинчилик урушлари вақтида талон-тарож қилинди. Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги хазиналарида сақланаётган ноёб қўлёзмалар, ҳужжатлар, тарихий китоблар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида талон-торож қилинди ва нуфузли давлатларга катта пул эвазига пуллаб юборилди. Айни бир вақтда XIX асрнинг 60 йилларидан бошлаб энг ноёб қўлёзма асарлар чет элларга турли йўллар билан олиб чиқиб кетила бошланди. Олиб кетилган китоб ва қўлёзма асарларнинг энг қимматлиси Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Эрон, Россия каби мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланмоқда.

Шу билан бирга ноёб қўлёзма асарлар ва китобларнинг бир қисми ўзимизнинг юртимизда, олимлар, маърифатпарварлар ҳамда айрим бойлар, йирик савдогарларнинг шахсий кутубхоналарида сақланган. Шунингдек, қўлёзма китобларнинг айримлари мадраса ва масжидларда сақланган. Булардан ташқари, шундай қўлёзма асарлар ва китоблар билан савдо қилувчилар қўлида ҳам анча ноёб қўлёзмалар тўпланган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, XIX асрнинг 80-90 йилларида Бухорода 40 дан ортиқ, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 35 та, Самарқандда 7 та, Хивада 4 та, Шаҳрисабзда 2 та, Қўқонда 3 та китоб ва қўлёзма асарлар сотиладиган дўконлар бўлган.

Китобларни талон-тарож қилиш Туркистон ўлкасига темир йўл ўтказилгандан кейин, айниқса авжига чиққан.

Хориждан, Россиянинг Петербург ва Москва шаҳарларидан Бухоро ва Самарқанд китоб бозорлари-дўконлари ва китоб савдоси билан шуғулланувчилардан нодир қўлёзма асарлар ва китобларни излаб, сўраб-суриштириб юрганлар кўпчиликни ташкил этган.

Бу "Китобсеварлар" маҳаллий аҳолидан ноёб китобларни сувтекинга олиб, хорижга қимматга сотганлар.

Мана шундай муҳим манба, қимматли маълумотлар берувчи қўлёзма асарлардан бири — "Ҳудуд ул-Олам" яъни, "Оламнинг чегаралари" асаридир. "Ҳудуд ул-Олам" асари 982-983 йилларда Шимолий Афғонистондаги Ғузхон вилоятида ёзилган.

Асар шу вилоятнинг ҳокими Амир Абдул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишланиб ёзилган. Форстожик тилида ёзилган тарихий бу асарни ўз замонасида ҳам, то XIX аср охиригача ҳам худди шу ном билан бирор кимса тилга олгани маълум эмас, ҳатто бирон рўйхатда ҳам қайд қилинмаган. Бироқ бизнингча, бу тамомила номаълум асар бўлмаса керак, чунки биринчидан, асар ёзилганидан 300 йилча кейин (1258й) шу қўлёзмани қайта кўчиришган экан, эҳтимол китоб бошқача ном билан ҳам аталган бўлиши мукин. Аммо у илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ география адабиётининг дурдона, ёдгорликларидан биридир, хусусан Ўрта Осиёда географик билимлар тарихи учун ниҳоятда қимматли нодир манбадир.

Шундай қилиб, бу тарихий асар XIX асрнинг охирларигача, аниқроғи 1892 йилга қадар илмий жамоатчиликка маълум эмас эди. Тарихдан маълумки, Бухоро бир неча асрлар давомида қадимий Шарқ қўлёзма асарлари ва нодир китоблар сотиладиган маънавият хазинаси ҳисобланиб келган. Бухоронинг тарихий обидаларини кўргани келганлар албатта шу ердаги китоб бозори, дўконларни албатта бир кўздан кечирар эдилар. Жумладан, 1892 йили рус шарқшуноси А.Туманский Бухорога келиб Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус" номли тарихий асарини топиш илинжида китоб дўконлари, хаттотлар, мирзолар, китобфурушларни, хонадон ва мадрасаларни қидиради. Аммо у истаган нарса, яъни "Тўрт улус" асари топилмади.

Кейинчалик шарқшунос А.Туманскийнинг Бухорода қолган таржимони Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний шаҳардаги бир китобфурушдан бошқа бир қўлёзмани излаб топди. Бу қўлёзма тўртта асардан иборат бўлиб, улар

Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг "Жаҳоннома" номли 27 варақ асари,

Муҳаммад Нишопурийнинг мусиқа ҳақидаги 2 варақли асари,

"Ҳудуд ул-Олам" сарлавҳали 30 варақли асар,

Фахриддин Муҳаммад ар-Розийнинг "Жами ул-Улум" номли 49 варақли асари эди. Буларнинг ҳаммаси бир муқованинг ичига тикилган эди. Ушбу қимматли манбалар тўпламидаги учинчи қўлёзма — "Ҳудуд ул-Олам", яъни "Шарқдан-Ғарбгача олам чегаралари" сарлавҳали бўлиб, ким томонидан ёзилгани бирон саҳифада кўрсатилмаган.

Аммо кўчирилган йили ва хаттот исми ёзилган холос. Бу ноёб қўлёзма тўғрисида Мирза Абдул Фозил Гулпойгоний 1892 йилнинг 25 октябрида Петербургга хат ёзиб, шарқшунослар орасида биринчи бўлиб ахборот беради. Шарқшунос Туманский 1893 йилнинг баҳорида яна Бухорога келганида Гулпойгоний қўлёзмани унга (12 сўмга сотган) "ҳадя" қилди. Шундай қилиб, бу қўлёзма Туманскийнинг ихтиёрига ўтди. У дастлаб 1893 йилнинг 2 майида "Самарқанд" газетасида "Самарқанднинг узоқ ўтмишидан" сарлавҳаси билан, шу қўлёзмадан парча келтириб, кичик ахборот беради.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

1894 йили бошқа бир шарқшунос барон В.Розен қўлёзмани бошдан оёқ ўз қўли билан кўчириб чиқди. Шарқшунос Туманскийнинг ўзи эса 1896 йилнинг 19 апрелида Петербургда Россия археология жамиятининг Шарқ бўлимида батафсил маъруза қилиб, каттагина мақола ҳам ёзди. География фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган "Ҳудуд ул-Олам" асарининг қўлёзмаси кейинроқ академик В.Бартольд томонидан ўрганилган ва 1930 йилда китоб шаклида босилиб чиққан. 1935 йили Эронда Сайид Жалолиддин Теҳроний томонидан ушбу асарнинг форсча матни босилди. Шарқшунос олим В.Минафский эса ушбу асарни инглиз тилига таржима қилиб, уни 1937 йили Лондонда нашр эттирган.

1983 йили тожикистонлик олим тарих фанлари доктори профессор А.Мухторов муҳаррирлигида "Ҳудуд ул-Олам" қўлёзма асари тожик тилида Душанбе шаҳрида босилиб чиқди. Ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор марҳум Ҳ.Ҳасанов ўзининг 1964 йилда нашр этилган "Ўрта осиёлик географ ва сайёҳлар" номли китобида "Ҳудуд ул-Олам" қўлёзма асар матнини бир мунча эркинроқ таржима қилиб, асосий мазмунини бериб, унинг илмий аҳамияти тўғрисида ўз фикрини баён этган.

Хўш, жаҳон аҳамиятига эга бўлган бу ноёб асарнинг қиммати нимада? Жами 60 боб мақоладан иборат бўлган бу ноёб қўлёзма асарда ер юзининг умумий тавсифи, денгизлар, дарёлар, кўллар, тоғлар, даралар, чўллар ва ўлкалар, ер юзидаги вилоятлар, шаҳарлар, уларнинг чегаралари, қўшни мамлакатлар ва халқлар ҳақида қимматли ва муҳим географик маълумотлар берилган. Яна бу қўлёзма асарда Мовароуннаҳр вилоятлари, шаҳарлари ва улардаги қишлоқлар, уларнинг чегараси, масофаси, аҳолиси, машғулоти, ҳунармандчилик ва савдоси, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва буюмлари, экинзорлари чорваси ва боғу роғлари, ер ости бойликлари ва бошқа томонлари кўрсатилган. Шунингдек, бу асарда ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Афғонистон ва ғарбий Хитой ерлари ҳам анча мукаммал тасвирлаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Ҳудуд ул-Олам" асарининг энг муҳим ва қимматли томони шундаки, у жаҳоннинг барча малакатларини тасвирлаб берган географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномалар тўплами бўлиб, оламшумул аҳамиятга эгадир.

Олам турфа

ЕТТИ ЁШЛИ ҚАРИЯ

Чарлз Чарлз-Ворт 1829 йилнинг 14 март куни дунёга келган. Болакай ҳаётининг дастлабки тўрт йили бошқа тенгдошлари каби ўтди.

Беш ёшга кирганида унинг соқол ва мўйловлари ўсиб чиқиб, жинсий балоғатга етганлиги маълум бўлди. "Кичкинтой" тезда кексая бошлади. Сочларига оқ, юзларига ажин тушди. Юришлари эса ўзидан ўн марта катта одамникига ўхшаб кетарди. Бир куни Чарлз етти ёшга тўлганида хушидан кетиб қолда ва бошқа ўзига келмади. Уни текширган мутахассисларнинг фикрича, бола оддий ўлим — қариликдан оламдан ўтганди.

УХЛАЙДИ, БИРОҚ РАДИО ЭШИТАВЕРАДИ

Львовлик Григорий Шрамко радио тингалашни жуда ёқтиради. Шунинг учун ҳам вирорта эшиттириш унинг назаридан қочиб қутулмайди.

Фақат радиони кундузи эмас, тунда эшитади, яъни соат 23 дан тонгги 6 гача. Савол туғилади: Григорий қачон ухлайди? Кундузи ишласа (дарвоқе, у "Львов темирйўлчиси" газетаси бош муҳаррири), тунда радио эшитса. Гап шундаки, Григорий ётиш олдидан радио қулоғини бураб қўяди, қарабсизки, бир зумда уйқуга кетади. Агар кимдир радиони ўчириб қўйса, томом, Григорийнинг уйқуси қочади. Туриб радиони қўйиб, сўнг яна уйқуга кетади.

Ажабо, Шрамко тунда, уйқусида радиодан эшитган барча ахборотларни эслаб ҳам қолади. Бунинг сабабини ўзи ҳам тушунтириб беролмайди. Бундай хусусият соғлиғига зарар етказадими, йўқми, уни қизиқтирмайди, қўрқмайди ҳам. Фақат у бир нарсадан қаттиқ қўрқади — радио бузилиб қолишидан.

ЎЗ ЎЛИМИНИ ОЛДИНДАН БИЛГАН

Қозоғистонлик 19 ёшли йигит — таниқли қозоқ рассомининг ўғли бўлмиш Ойбек Олеуханов ўзи вилмаган ҳолда ўз ўлимининг сабаби ва вақтини олдиндан вашорат қилганлиги варчани ҳайратда қолдирди.

Ойбек армияда хизмат бурчини ўтаб юрганида тиззасининг пастига мих кириб кетган эди. Бу яра қорасонга айланган. Дўхтирлар унинг оёғини кесиб ташлашди, бироқ Ойбек ҳарбий госпиталда вафот этди.

Бу воқеанинг ажабланарли жойи шундаки, Ойбек ўз ўлими сабабини тўғ ой олдин чизган эди, яъни уйида қолган хомаки чизмаларининг бирида шундай тасвир акс этганди: оддий оёқ расми ва тизза олдида санчилган мих. Яна бир чизмада эса қандайдир сайёрада компьютерга ўхшаган ўсимлик ердан униб чиққанлиги тасвирланган. Унинг дисплейида 19.57 рақами акс этган. Буни қарангки, Ойбек худди шу вақтда вафот этган.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Яна ва яна қўшиқ ҳақида. То кор қилмагунча!

Газетамизнинг ўтган сонида эълон қилинган мақолага кўплаб муштарийларимиз ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Биз эътиборингизга бундай қўшиқларнинг энг кўп тингловчилари саналмиш ёшларимиздан баъзиларининг фикрини ҳавола этишни лозим топдик.

СИЗ НИМАНИ ТАРҒИБ ҚИЛАСИЗ?.. БИЗНИ УЯТГА ҚЎЙМАНГ, ҲОФИЗ!

Муносабат: 7 июль

ТИНГЛАБ УЯЛСАНГУ, ҚУЙЛАБ УЯЛМАСАЛАР...

Газетанинг ўтган сонида «Тинглаб уялсангу, куйлаб уялмасалар» сарлавҳали мақолани ўқиб, жуда таажжубландим. Тўғриси, Равшан Комилов ва Шаҳнозабонулар ижросидаги бу қўшиқни ҳали эшитмагандим. Мақолада келтирилган қўшиқ матнини ўқир эканман, шундай мазмундаги қўшиқларни яратилишига, айниқса, кўпчилик ёшлар қўшиқларини тинглайдиган хонандалар томонидан ижро этилганига очиғи, менда шубҳа уйғонди. Мақола муаллифи балки қўшиқ муаллифларини чалкаштиргандир, деган хаёлга ҳам бордим. Мақолада қўшиқ «Водий садоси» радиоси тўлқинларида эфирга узатилгани ёзилган эди. Радиомни «Водий садо»си тўлқинига созлаб, тинглай бошладим. Дарҳақиқат, қўшиқ ушбу радионинг тонгги дастуридан бошлаб кун бўйи бир неча марта янгради. Уни диққат билан тингладим. Афсуски, шундай уятли қўшиқ яратилган, қўшиқчиларимиз томонидан ижро этилган эди. Яна уни мана неча кундир-ки, кўплаб FM радиотўлқинлари орқали эшитмоқдамиз...

Одатда янги яратилган қўшиқларнинг энг биринчи тингловчиси ва баҳо берувчиси биз ёшларимиз. Шахсан мен бу қўшиқни Ўзбекистон ёшлари, айниқса, қизлари ва аёллари шаънига айтилган ҳақорат деб баҳолаган бўлардим. Айтайлик, шу қўшиқни куйлаган аёл, наҳотки куйлаётган қўшиғи мазмунидан истиҳола қилмайди? Қайси бўйи етмаган қиз шундай тақдирга, яна қирқталаб жонон истаган эркакка яна тўртинчи кўнгил тўлдирувчи хотин бўлишни истайди. Шу қўшиқчи аёл ўзи ёки бирон яқин одамини қўйиб кўришини хоҳларми-ди шу ўринга. Акси бўлса, нима учун қўшиқ айнан шундай мазмунда яратилди? Олам-олам эзгу ниятлар оғушида, севишиб турмуш қураётган келин-куёвга қарата шу қўшиқ куйланса?! Бу уларга оилавий бахтсизлик тилаш билан баробар эмасми? Яна кўпинча санъаткорларимиз «Кишилар бизни оилавий муносабатларда ножиддийликда ноҳақ айблашади», дея одамлардан нолиб юришади. Бу каби қўшиқлардан сўнг шундай фикрга борувчилар янада кўпайиши шубҳасиз. Ҳали замон Шаҳнозабону Равшан Комилов «романтикаси» ҳақида гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолса ажабмас.

Хуллас, менимча, маънавий тубанликни тарғиб қилувчи бу уятсиз қўшиқни тезроқ радиоэфирдан чиқариб ташлаш лозим.

Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА, талаба.

Қўшиқчилик санъатимизда савияси саёз, мазмунсиз, енгил-елпи қўшиқлар анчагина. Улар тўғрисида қисқагина қилиб «Яхши чиқмабди» деймиз, эшитмай қўя қоламиз. Вақт ўтиши билан уларни биров эсламайди. Мақолада тилга олинган қўшиқ ҳақида эса жиддий фикр юритишимиз, ундан келадиган оқибатлар ҳақида мулоҳаза қилиш жуда зарур. Қўшиқ нафақат маънавий ва мафкуравий, балки сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан салбий ҳолатларнинг содир бўлишига сабачи бўлиши мумкин. Ўн уч йилдан бери дунё ҳамжамияти эътиборига тушган мамлакат ҳисобланамиз. Юртимизда бир нечта халқаро оммавий ахборот воситалари бўлимлари фаолият юритади. Улар Ўзбекистонда маданий, сиёсий, ижтимоий ҳаёт янгиликларидан дунёга хабар бериб туради. Қўшиқ ўзбек аёллари, ҳатто бўйига етмаган қизлари ҳам тўртинчи хотин бўлишга рози экан деган хулоса ясалишига хизмат қилмасмикан, деган хавотир туғилди менда. Унда биз, тараққиётда не-не ривожланган мамлакатларга тенглашишга интилаётган юрт фуқаролари нима деган киши бўламиз? Биз ўтмишдан, боболаримиздан ўрганаётган яхши ибратларни ҳам кимнингдир назарида салбий бўёққа бўяб қўймадими бу «тарғибот»? Бу биз учун иснод эмасми? Қолаверса, Равшан Комиловнинг тўрт хотинлик ҳақида қўшиқ куйлашга на маънавий, на қонуний ҳаққи йўқ. Юртимиздаги ҳеч бир инсон бундай маънавий қолоқликни ўзига раво билмайди. Санъаткор бу билан очиқдан-очиқ қонунбузарлик содир этиб, устига-устак яна бу ҳолатни оммалаштиришга уриняпти. «Биз алпомиш авлодимиз» дея фахрланиб турганимизда ўзбек эркаклари номидан шундай куйлашга унинг қандай ваколати бор?

Мен ёш жиҳатидан хонандадан анча кичикман. У куйлаётган қўшиқдан ўзи уялмаса, мен уяламан тенгдошларим, ота-оналарим олдида. Фикримча, орияти бус-бутун ҳар қандай замондошимиз бу қўшиқни тинглаб шундай туйғуси ҳис қилса керак.

Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ. Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

Янги иншоотлар — эл хизматида

Ангор туманида аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Буни туманнинг Ангор қўрғони марказида фаолият юрита бошлаган буюм бозори мисолида яққол кўриш мумкин. Бозор икки юз эллик бир ўринга эга. Бундан бир юз ўттиз ўринни юридик ҳамда жисмоний шахслар эгаллади. Бозордаги савдо дўконлари, расталар харидорлар дидига мос қилиб жиҳозланган. Яна навбатдаги элликдан ортиқ савдо нуқталарида таъмирлаш, пардозлаш ва жиҳозларни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти.

АНГОРНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ ТЎКИН



Ёш тадбиркор Фарҳод Тоғаймуродов — бозор қурилиши ташаббускори, ташкилотчиси. Унинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли бўш ётган тақир ерда шарқ меъморчилигига асосланган шинам бозор бунёд этилди. Ҳозир бу ер одамларнинг гавжум масканига айланган. Шуниси диққатга сазоворки, нафақат ангорликлар, балки қўшни Термиз, Музробод, Қизириқ, Шеробод туманлари аҳолиси ҳам бозорнинг фаол харидорлари саналади. Ундаги моллардан кўтара савдо қилишади. Чунки бозордаги турли хил саноат, қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси бошқа ерга қараганда анча арзон. Бозор ҳудуди обод, кўркам, озода. Кўрган кишининг баҳри-дили очилади.

— Бозорда бор-йўғи олти киши ишлайди, — дейди Фарҳод Тоғаймуродов. — Патта тушумини йиғиш ҳам, кенг майдонда тозалик ва ободончилик ишларини амалга ошириш ҳам ана шу кичик жамоамиз зиммасидаги кундалик вазифа. Уни бекаму-кўст адо этиш учун ҳеч ким тиним билмайди, вақт билан ҳисоблашмай бетиним меҳнат қилади. Шартномадаги ижара ҳақидан ташқари, кундалик нақд пул тушуми 45-50 минг сўмни ташкил этяпти. Бу борада белгиланган ойлик режани 110-115 фоизга ошириб бажаряпмиз.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда турли тансиқ таомларни тановвул қилишда эҳтиёткоқ бўлганингиз маъқул. Энг муҳими, меҳмондорчиликка бормай туринг.

СИГИР(22.04-20.05)
Касбий муваффақиятларнинг бир нечтаси бирваракайига сизга насиб этиши мумкин. Бундан ҳаволаниб кетсангиз, обрўингизга путур етади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳийла-найрангларга учиб яқин дўстингизнинг кўнглини оғритиб қўйишингиз мумкин. Бу ўринда сиздан мулойимлик ва совуққонлик талаб этилади.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Оила аъзоларингиз билан муносабатларни чигаллаштирмаслик учун касбий фаолиятингиздаги турли муаммолар билан уларнинг бошини қотирманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Молиявий ва тижорат ишларида шу кунларда ошиғингиз олчи бўлади. Унутмангки, шунга яраша катта ҳаражатлар қилишга ҳам тўғри келади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Асосий эътиборингиз соғлиғингизни тиклашга қаратилмаса, кейинги режаларингиз айнан сизнинг совуққонлигингиз туфайли бузилиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Табиат қўйнида, дўстлар даврасида дам олишга нима етсин. Сиз айнан ана шундай ҳузурбахш онларни бошдан ўтказишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда атрофдагилар билан муносабатингизда сезиларли муаммолар юз беради. Сабаби, сизнинг вақти-вақти билан юзага чиқувчи заҳархандалигингиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Анчадан бери орзулаб юрган буюмни харид қилиш учун жуда қулай вақт келди. Маблағингиз етмаса қарз-ҳавола қилсангиз ҳам зарари йўқ.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Сизнинг қизиққон табиатингиз кўпгина муаммоларингиз боиси эканини ўзингиз ҳам билсангиз керак. Шу кунларда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

КОВҒА (20.01-18.02)
Сизга хос бўлмаган қайсарлик, бир сўзлилик айни вақтда сизга катта панд бериши эҳтимолдан холи эмас. Иложи борича мулойим бўлишга харакат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Агар тижорат билан шуғулланишга аҳд қилган бўлсангиз, ҳамкорлар танлашда ҳушёр бўлишни маслаҳат берамиз. Сизни катта харажатга туширишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси Юнусобод маҳалласи оқсоқоли Сайфулла Иноятовга онаси **Манзурахон ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алломалар юртидошимиз

ЗАКОТ ВА ХАСИСЛИК

"Мукошафатул ул-қулуб" китобидан

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

Аллоҳ буюради:

— Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг закотини беришга бахиллик /хасислик/ қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик /хасислик/ қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунида бўйиларига ўралажак! /Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар/ осмонлару ер мерос бўлиб Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир/.

— Бас, сизлар унинг ўзига /Аллоҳга/ тўғри бўлингиз /унга шерик қўшманг/ ва ундан мағфират сўрангиз. Шерик қўшганларнинг ҳолига вой! Улар закот бермайдилар, охиратини инкор этувчилар ҳам ёлғиз шулардир!

— Эй умматим, дунёда беш хусусият борки, шуларга мубтало бўлишингиздан ва шу хусусиятларга эга бўлишингиздан қўрқиб, Аллоҳга сиғинаман.

1 — **Ёмон хотинларнинг юзага чиқиши, фаҳш ва ахлоқсизликнинг бутун жамиятни қамраб олиши.** Жамиятда бундай хусусият пайдо бўлса, бу жамиятнинг алломалари, салафлари кўрмаган оғриқлар, юрак санчиқлари ва турли жабру жафоларга дучор бўладилар.

2 — **Ўлчовда — тортишда ҳийлагарлик, билатуриб нуқсон қилишлар.** Бу ҳолда очарчилик ва етишмовчилик юз беради.

3 — **Молларининг закотини бермасликлари.** Бу ҳол юз берса кўкдан ёмғир ёғмайди. Шундай бўладики, ер юзида ҳайвонотдан чиққанини айтмаса, бир томчи нам кўрмайдилар.

4 — **Аллоҳнинг ва Расулининг кўрсатган гўзал ахлоқ тарзларига риоя қилмасликлари.** Бу ҳол юз берса, Аллоҳ уларнинг устига ташқаридан душман ёғдиради. Кўл остидаги нарсаларининг баъзиларини бой берадилар.

5 — **Давлат катталарининг ҳақ китоби асосида иш юритмасликлари.** Бу ҳолда, Аллоҳ уларга ички нотинчлик беради. Одамлар бир-бирлари билан келишолмайдилар, бир-бирларига ёмонлик қиладилар. Жамиятда ҳар тараф-лама нотинчлик ортиб боради.

— Мўмин одамда икки хусусият бўлмаслиги керак:

1 — Хасислик,

2 — Ёмон феъл.

— Аллоҳнинг онт ичиб билдиришича, хасис жаннатга кирмайди.

Ҳасан Басрийдан хасислик ҳақида сўрадилар, шу жавобни берди:

— Хасислик — кишининг ёрдам сифатида бериши керак бўлган нарсаларни эътиборсиз қолдириши ва мол-мулкини қаттиқ ушлаб, бирон кимсага ҳеч нарса бермасликни шараф деб билишидир.

Мол-дунёга берилиш, амалга интилиш, камбағал бўлиб қолишдан қўрқиш ва бола-чақага ортиқча меҳр қўйиш /боламнинг ҳамма нарсаси бўлсин, камбағалликни кўрмасин, деган тушунча/ хасисликка бошловчи нарсалардир. Шунинг учун ҳадисда буюрилади:

— Болани қаттиқ севиш хасисликка етаклайди.

Имом Аъзам дейдики:

Бир кун Яҳё Алайҳиссалом Иблисга дуч келиб қолди.

Яҳё Алайҳиссалом:

— Қандай одамларни ҳаммадан кўпроқ севасан ва қандай одамлар ҳаммадан кўпроқ аччиғингни келтиради?

Иблис:

— Ҳаммадан ҳам яхши кўрганим хасис мўминлардир, энг кўп аччиғимни келтирувчилар сахий фосиқлардир.

Яҳё Алайҳиссалом:

— Нега бундай?

Иблис:

Чунки мўминнинг хасислиги менга кифоядир. Ҳолбуки, жўмард фосиққа келсак, мен уни жўмардлиги туфайли Аллоҳ авф этиб юборишидан қўрқаман.

Иблис шуларни айтиб яна йўлга тушаркан ўз гапига шуларни илова қилди:

— Сен Яҳё бўлмасайдинг, сенга хабар бермас эдим.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

ТАЪТИЛ ОНЛАРИ ЗАВҚЛИ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Таассурот

ЗАМИН РАНГЛАРИ

Мусаввир Чори Бекмировнинг ранг-тасвир асарларини томоша қилиб, уни замин шайдоси, ҳаёт мусаввири дегингиз келади.

Она қишлоқ таассуротлари, табиатнинг рангин неъматлари бу асарларда сирли жонланади, бадиий тафаккур билан уйғунлашади. Рассомнинг қалб завқлари томошабин дилига ўтади. Аслида ҳам нимадир қалбда қўзғалиш, таъсирланиш уйғотмаса, мўйқалам ҳаракатга келмайди. Мусаввирнинг фикрича, "Ҳар бир асар умр йилларимнинг муайян давридаги руҳий ҳолатим ифодасидир".

Чори Бекмиров ижодида реализм етакчилик қилади, яъни рассомлар таъбири билан айтганда, у — академист рассом. Мусаввирнинг ўзи ҳам ўз ижодини борлиқ, ҳаётдаги реаллик, халқ меҳнати, қувончу ташвишлари билан боғлиқ изоҳлайди:

— Биласизми, она ерни ҳис қилиб, шу заминга яқинликда ишлашни яхши кўраман. Халқона айтсак, ердан узилмасам дейман. Ахир оддийгина анор мевасида фантастика йўқ деб бўладими? Унда ҳаёт фалсафаси бор бўлиб, дунёнинг севинчу ташвишлари шу мўъжазгина анор ичига яширингандай. Мевасининг ажиб пардаларига разм солсангиз, ҳаёт ва табиатнинг сирлари шу парда ичига ўралгандай туюлади, — дея асарларидан бирига изоҳ беради мусаввир.



Мусаввир ранг-тасвир анъаналарининг асрлар давомида шаклланиб, кишилар тушунчасига сингиб кетган усулларидан бадиий фойдалана билади. Муҳими, бу йўналишда ҳам реаллик ва илҳом романтикасининг туташ нуқталарини нозик пайқайди. Реалликни акс эттиришда у жўн, оддий ҳикоя қилиш йўлидан бормайди. У яратган суратларнинг томошабинни зериктирмаслиги ҳам шундандир.

Юрт кишилари ва она замин гўзалликларининг рангин тасвирлари томошабин дилида завқу муҳаббат уйғотади, оддий ҳаётнинг теран ҳикматларига ошно этади. Чори Бекмиров ижодида замин ва инсон тимсоли ана шундай уйғунлашиб кетган.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди.

СУРАТЛАРДА: мусаввир ижодидан намуналар.

Менглибой МУРОДОВ

Менглибой МУРОДОВ шеърлитга, адабиётга тайдо муштарийларимиздан. Унинг кўплаб китоблари ёз ҳкувинларини топган.

ТИНЧЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАЙМАН

Қолиб кетди қайларда ... эссиз қанча одамлар,
Ҳамон эслаб нечовлар уввос тортиб "Отамлар",
Эзгуликка эш бўлсин босилажак қадамлар,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

Олисларда мунғайиб қолиб кетган қабрлар,
Бардошига бош қўйиб, тўзим излар сабрлар,
Осуда юрт қўйнида унутилар жабрлар,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

Армонлари ушалмай ўққа учган жон ҳаққи,
Жангоҳларда ўт ичра балчиқ қучган тан ҳаққи,
Бир тишлами олиниб, қолиб кетган нон ҳаққи,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

НАСИҲАТ

Ўзгадан гина қилма, нон-насибанг оз бўлса,
Кетмас асло бараканг иш қуролинг соз бўлса,
Кунинг тунга айланар, қўшнинг лўттибоз бўлса,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Денгиз бўлар, кўл бўлар, сув йиғилиб тўп бўлса,
Хормассан, толиқмассан, қанча дўстинг кўп бўлса,
Иморатга жон кирар уста бирла чўп бўлса,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Туғилган юрт тўрғайи, ўзга булбулдан афзал,
Она юрт олтин бешик, бешик ҳар недан гўзал.
Қўшиққа айлангуси гар мумтоз бўлса ғазал,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Яшашнинг қонунлари, қоидалари каромат,
Ҳаёт тиниб-тинчимас тўлқинлардан иборат,
Шу тўлқинлар устига умр қўйган иморат,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди!

СЕН ХОҲЛАСАНГ...

Сен хоҳласанг олиб берай,
Дарёларнинг мавжини.
Олиб берай йўқ демагил,
Созанданинг авжини.

Олганларим зое кетмай,
Сенга ёқиб қолса бас!..
Олиб берай қуёшдан нур,
Ойдан чирой, найдан сас!

Сен истасанг олиб берай,
Сехргарнинг сеҳрини.
Фақат менга ҳадя айла,
Муҳаббатнинг меҳрини!

Х.СОДИҚОВ чизган расмлар.

Mahalla

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

6538 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-826 Топширилди — 12345